

МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ, ЯНГИ КОРХОНАЛАР ВА КЎПЛАБ ИШ ҲУЎРАКЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 октябрь, Қашқадарё вилоятига ташрифининг иккинчи куни Қарши шаҳридаги “Қавали” кичик саноат зонасида жойлашган бир қатор корхоналар билан танишди.



Саноат зонасининг ер майдони олти гектар бўлиб, муҳандислик инфратузилмаси яхши ташкил этилган, транспортга жуда қулай. Шу боис, ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда.

Ҳозир бу ерда қурилиш материаллари, мебеласозлик, тўқимачилик, фармацевтика ва чарм саноати йўналишидаги 11 та лойиҳа жойлаштирилган. Шундан тўрттаси ишга туширилган бўлиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбари улардаги иш жараёнини, маҳсулотларни кўздан кечирди. “Pegas” корхонасида темирни қайта ишлаш, лак-бўёқ, эшиклар ҳамда текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлига қўйилган. Ушбу лойиҳанинг қиймати

13 миллиард сўмдан зиёд бўлиб, бу ерда 150 та янги иш ўрни яратилди. Корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб юқори. Кейинги босқичда қурилиш соҳасида муҳим саналган бошқа хомашёлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилади. Натижада яна шунча янги иш ўрни яратилади.

“1-сон комплекс лойиҳа қурилиш-монтаж” хусусий корхонаси ҳам қурилиш материалларига ихтисослашган. Умумий қиймати 18,5 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа йилига қарийб 2 миллион квадрат метр профнастил ва 250 минг квадрат метр сандвич панеллар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада ҳозирда 45 киши меҳнат қилмоқда. Маҳсулот ҳажми ортиши эвазига келгусида иш ўринлари сони кўпайиши мўлжалланмоқда.

“Karshi W and D Factory” корхонасида 50 турдаги эшиклар, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар ишлаб чиқарилади. Бу лойиҳага 8,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилган. Корхонада 26 та янги иш ўрни яратилди.

Саноат зонасида яна етти та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Улар ишга тушса, яна 725 нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Президентимиз шу ерда Хитой давлатидан келтирилган замонавий автобус ва микроавтобусларни кўздан кечирди. Тадбиркор Нарзулло Намозовнинг айтишича, 60 ўринли автобусларга талаб юқори. Қашқадарёга ундан 30 та олиб келинган, жами 100 тага етказиш режалаштирил-

ган. Келгусида бундай қулай автобуслар Қарши — Шаҳрисабз ва Қарши — Китоб йўналишларида қатнай бошлайди.

Давлатимиз раҳбари хунарманд-тадбиркор Дилором Қувватова билан ҳам мулоқот қилди. Узоқ йиллар хорижда ишлаган бу аёл тадбиркорларга яратилаётган имкониятларни эшитиб, юртимизга қайтиб келган. Бугун унинг бошчилигида тикилаётган кўрпа-ёстиқ, тўн ва бошқа маҳсулотлар воҳада харидордир.

Д.Қувватова тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлардан мамнунлигини, келгусида иш ўринларини 300 тага етказишни мақсад қилганини айтди.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида 2024 йилга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Хусусан,

келгуси йил тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар эвазига жами 4 миллиард долларлик 36 та йирик лойиҳа, 656 миллион долларлик 114 та ҳудудий лойиҳа шакллантирилган. Улар нефть-газ, кимё, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва қурилиш саноати, туризм, қишлоқ хўжалиги тармоқларида бўлиб, асосан, маҳаллийлаштириш ва қайта ишлашдаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Дунёда зиддиятлар тобора кучайиб бораётгани, бефарқлик, ўзибуларчилик

кайфияти билан ривожланиб бўлмаслиги таъкидланди.

— Мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва келажаги учун янги корхоналар, янги бозорлар, инвестиция, иш ўринлари, катта-катта тушумлар керак. Жаҳон бозоридида тебранишлар, ҳамкор давлатлардаги савдо чекловлари давом этaversа, маҳсулотларни қаерга ва қандай сотиш керак? Бунинг учун қайси корхонага қандай кўмак бериш зарур, — дея саволлар қўйди Шавкат Мирзиёев.

Шу нуқтаи назардан, йиғилишда асосий эътибор саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самардорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Мардлик” ордени билан

Исамов Абдулхамид Мирзаевич — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

“Дўстлик” ордени билан

Арзуев Жамбил Жумабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими 1-ички ишлар бўлини маси бошлиғи

Жумаева Алёна Шухратовна — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

“Жасорат” медали билан

Асқаров Улугбек Умаралиевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Ахмедов Фаррухжон Баёнович — Самарқанд вилояти Ургант тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Давоми 2-бетда



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ, ФАРОВОНЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Ўзбекистонда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идоралар раҳбарларининг II йиғилиши ташкил этилди. Унда ташкилотга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистоннинг инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идоралари раҳбарлари, давлат бошқаруви тизимига кадрлар тайёрлаш йўналишида фаолият юритётган академик муассасалар раҳбарлари ва масъул ходимлари, мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, ҳокимликларнинг кадрлар билан ишлаш бўлиналари раҳбарлари, хорижий ва маҳаллий журналистлар иштирок этди.

Давоми 3-бетда

ХАМКОРЛИККА — 30 ЙИЛ

Ўзбекистон — ЮНЕСКО: МАЪРИФИЙ ДУНЁ ВА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ИНТИЛИШЛАР САРҲИСОБИ

Глобал дунёда хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Жаҳон мамлакатлари ва халқларининг юксак инсонпарварлик ғояларини асраш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида бирлаштириш тобора долзарблашиб бормоқда. Халқаро тинчликни таъминлашда таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш муҳим.

Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКОнинг алоҳида ўрни бор. Унинг асосий мақсади таълим, фан, маданият, коммуникациялар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашидир.

Ташкилот Низомида қайд этилганидек, “Уруш ҳақидаги ғоялар кишилар онгида

пайдо бўлади, шунинг учун инсонлар онига тинчликни ҳимоя қилиш ғоясини синдириш керак”. Олимлар, тинчлик ва барқарор ривожланиш соҳаси бўйича мутахассислар ЮНЕСКОга нисбатан “БМТнинг ақл лабораторияси” иборасини ишлатади. Жаҳоҳарлаъл Неру ЮНЕСКОга нисбатан “инсоният виждони” деган таърифини қўлагани ҳам бежиз эмас.

Давоми 5-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ИЖТИМОЙ МЕЪЁР

Халқаро энергетика агентлиги ҳисобларига кўра, Ўзбекистон ёқилғи энергетикага энг кўп субсидия ажратадиган 25 давлатдан бири, деб топилди. Аниқроқ айтганда, мамлакатимиз ушбу рўйхатнинг 12-ўрнидан жой олди.

Агентлик ҳисоботида қайд этилишича, 2022 йилда Ўзбекистон давлат ёқилғи энергетикасини субсидиялаш учун 13 миллиард доллар йўналтирган. Бу мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 19 фоизини ташкил этгани ҳолда, турли

манба ва воситалар орқали газни субсидиялашга 9 миллиард доллар, электр йўналишига 2 миллиард доллар, нефтни субсидиялашга эса 1 миллиард доллар йўналтирган.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ниезов Бекзод Холиқович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

Рахимов Тўлқинжон Фархадович — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта тезкор вакили

Суванов Жамшид Эшпулатович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

Шермухамедов Абдумажид Мавлянович — Тошкент шаҳар Юнусobod тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Юсупов Абдурахмонович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

“Шуҳрат” медали билан

Давранов Ғолибжон Исомидинович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Джаббаров Фарход Ахмадович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

Ишпулатов Аббос Нурмаатович — Самарқанд вилояти Пастдарғум тумани ички ишлар бўлими 2-ички ишлар бўлими бошлиғи

Мирахмедов Аброр Онарбоевич — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Мўминов Бўрикул Ёдгорович — Қашқадарё вилояти Косон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Палимбетов Бахтибай Жангабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Рюмин Алексей Александрович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғининг ўринбосари

Туланов Абдумухтор Рузиматович — Андижон вилояти Марҳамат тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Асадов Азизбек Кароматович — Бухоро вилояти Олот тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Асанов Сабирджан Жакаевич — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Бахромов Бектемир Рахмонович — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Қурбонов Фарходжон Рахимович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси хузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Норқўзиева Шахло Примқуловна — Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ички ишлар бошқармаси пробация бўлими катта инспектори

Султанов Анвар Абидходжаевич — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Рахимов Ғулумбек Бабаханович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси махсус қабулхона катта назоратчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2023 йил 25 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ, ЯНГИ КОРХОНАЛАР ВА КЎПЛАБ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Масалан, Дехқонobod, Китоб ва Қарши туманларидаги саноат зоналарида 100 гектар ер бўлиб турибди. Тадбиркорлар уларга 300 миллион доллар инвестиция кириштириб, 3 минг 500 та иш ўрни яратиш ташаббуси билан чиққан. Шунингдек, гўшт, сут ва мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 50 миллион долларлик лойиҳаларни ишга тушириш имконияти бор.

Давлат раҳбари Қашқадарё иқтисодиёти фақатгина йирик корхоналарга қараб қолмаслиги кераклигини айтди. Вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари республика кўрсаткичидан 3 баробар кам. Айниқса, кичик бизнеснинг саноатдаги улуши энг охириги ўринларда.

Масалан, Қашқадарёда йилга 150 минг тонна полиэтилен грануласи ишлаб чиқарилса-да, унинг атиги 4 фоизи виллоятнинг ўзида қайта ишланади. Қамашда цемент, гипс ва мрамар, Шахрисабз туманида графит, Яқабодда кварц куми, Чирқочда марганец, Китобда доломит ва чинни конлари негизда кўп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Вилоятда йилнинг тўрт мавсумида ҳам туристларни жалб қилиш салоҳияти бор. Лекин бу хозир Шахрисабз шаҳри ва тоғли туманлар билан чегараланган. Йил бошидан бери Қашқадарёга 180 минг нафар хорижий сайёҳ келгани ҳолда, қўшни Самарқанд ва Бухорога 3,5 миллион келган.

Давлатимиз раҳбари қулай инфратузилма яратиш, туристларни кўпайтириш йўлларини кўрсатиб ўтди.

Хусусан, германиялик ҳамкорлар билан Шахрисабз туманидаги 3 та туризм маҳалласи мастер-режиси тайёрланган. Бунда 450 миллион доллар қўшимча инвестиция ва йилга 1 миллион сайёҳ жалб этиладиган инфратузилма яратилади. Архитектура ечимлари қўллангани учун тадбиркорларда соҳага иштиёқ кучайди. Бунинг ҳисобидан Шахрисабзнинг ўзида йилга қўшимча 500 миллион сўм тушум кутиляпти, 5 мингта янги доимий иш ўрни пайдо бўляпти.

Шу мақсадда Шахрисабз аэропортида фуқаро авиацияси йўлга қўйилади. 1 январдан бошлаб, у ердан Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва водий виллоятларига маҳаллий рейслар кўпайтирилади. Тошкент — Қарши йўналишида авиарейслар ҳафтасига 2 мартадан 7 мартага оширилади. Натيجида авиачипталар нархи 2 баробар арзонлашиши, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар 3 баробар кўпайиши мўлжалланган.

Шунингдек, виллоятда автотранспорт келишини қулайлаштириш мақсадида

“Тахтақорача” довиндан ўтиш талаблари енгиллаштирилади. Келгуси йилда довинда янги тоннель ва йўл қуриш лойиҳаси бошланади. Самарқанд билан Шахрисабзни боғловчи 30 километр йўл ҳамда Ғузор — Бухоро йўлининг 100 километр қисми таъмирланади.

Умуман, келгуси йилда хорижий сайёҳларни 500 мингтага етказиш вазифаси қўйилди. Қишлоқ хўжалигида ҳам салоҳият катта. Қашқадарё республикада энг кўп дон ва пахта етказиб беради. Лекин виллоятда иш ўрини кўп яратадиган мато тўқиш 30 фойздан ошмайди, матони бўяш йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бунинг ҳисобидан қўшимча 80 минг ешлар ва аёлларнинг банд қилиб, 500 миллиард сўм тушумини таъминлаш мумкин.

Шу боис, келгуси йилда виллоятда 370 миллион долларлик 33 та йирик лойиҳа ишга туширилади. Бу орқали тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш 1,6 баробар, мато ишлаб чиқариш 3,1 баробар ошиб, 8 мингта иш ўрни яратилади.

Вилоятда Тўқимачилик технопаркинни ташкил қилиш ва у ерга Европанинг таниқли брендларини олиб келиш зарурлиги қайд этилди.

Вилоятда 1,4 миллион гектар яйлов бор. Бу — 7 миллион бош қорамол ва қўй-эчки учун табиий озуқа базаси. Лекин Миришкор, Муборак ва Нишонда 20 фойз яйлов деградацияга учраган, яна 25 фойзда майса йўқ.

Шу боис, келгуси йилда 100 минг гектар яйловни яшил экинлар билан қоплаш дастури амалга оширилиши айтилди. Бунда қурғоқчилик, иссиқ ва чўлғанишга қарши уруғчилик хўжаликларни ташкил қилинади, мева-сабзавот ва доривор ўсимликлар экилади, дарахтзорлар барпо қилинади, сув тежовчи технологиялар жорий этилади. Қўёш энергиясида ишлайдиган навозлар ўрнатилиб, ёмғирлиқда суғориш пилот лойиҳаси ишга туширилади.

Бундан ташқари, Чорва моллари генетик тадқиқоти лабораторияси ташкил қилиниб, Испаниянинг “Ассаф” қўйларидан янги миллий зотлар кўпайтирилади.

Мутасаддиларга 1,4 миллион гектар яйловнинг электрон харитасини яратиш ва 100 минг аҳолини банд қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Президент экинларни сув билан таъминлаш масаласи йилдан-йилга қийинлашиб бораётгани тўхталди. Бу муаммо Қашқадарё учун айниқса долзарб. Лекин сув тежовчи технологиялар 515 минг гектардан атиги 16 фойзда жорий қилинган.

Шу боис, виллоятда 15 та лазерли текислаш техникаси олиб келиниб, сув таъминоти оғир Косон, Миришкор, Касби ва Нишонда деҳқон-

ларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

Суғориш тармоғини босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиб, 30 фойз сувни тежаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга каналларни бетонлаш, қўшимча насос ва техника олиш, “Пахтаобод” каналини модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ешлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Виллоятда электротехника, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари каби соҳалар учун кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди. Масалан, Қарши шаҳридан ташқари бошқа бирорта туманда IT марказлар фаолияти йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, 60 та коллежнинг бўш турган майдонларида ҳам ишлаб чиқариш, ҳам амалий таълимни йўлга қўйса бўлади.

Президент китоблик тадбиркорнинг IT кластер ва университет очиб ташаббусини маъқуллади.

Виллоят ва туман ҳокимларига ҳар бир тумандаги иш берувчиларнинг ўрта бўғин мутахассисларига эҳтиёжини аниқлаш, таълим муассасаларида иш берувчиларнинг амалий устaxonаси ва цехларини очиб топширилди. Бу ишларга 30 миллиард сўм ажратилади.

Воҳа аҳолисининг 42 фойзида ортиқча вазн муаммоси сабаб юрак-қон томири ва қандли диабет касаллиги кўпайгани қайд этилди. Президент бу ҳолатдан ташвиш билдириб, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш ва виллоятда соғлиқни сақлаш тизимини салоҳиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, россиялик ҳамкорлар билан Китобда замонавий кардиология маркази барпо этилади. Мобиль поликлиникалар хизмати йўлга қўйилади, виллоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизда 600 ўринли замонавий клиника ташкил қилинади.

Қашқадарё виллояти ҳокими М.Азимов келгуси йилда 1 миллиард доллар инвестиция олиб келиб, саноатда 40 триллион сўм маҳсулот ишлаб чиқариш, 500 миллион доллар экспортни амалга ошириб, 200 миллион доллар импортни қисқартириш, 500 минг хорижий сайёҳ жалб қилиб, 550 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича режаларини маълум қилди.

Илгиллида кутарилган ҳар бир масала бўйича вазирлар ва ҳокимлар тенгма-тенг ҳисобот берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё виллоятга ташрифий якулланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АБВАЛБЕКОВ, УзА мухбирлари

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ФОЖИАЛАР САБАБЧИСИ БЎЛИБ ҚОЛМАЙЛИК!

ЁХУД ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАНДАЙ ЭРИШАМИЗ?

Президент Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафтадаги видеоселектор йўғилишида йўлларимиздаги ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ вазият анча аяқоволга эканига алоҳида эътибор қаратди. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ўлим ва жароҳатланиш ҳолатлари кўплиги, тегишли раҳбарлар бунга лоқайд бўлиб ўтирганини жиддий танқид қилди.

Ҳар йили юзлаб одамлар айнан йўллардаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида вафот этаётгани, улар орасида болалар ҳам борлиги барчамизнинг қалбимизни ларзага солди. Бунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қониқарсиз фаолиятига эса депутатлар бефарқлиги афсус билан қайд этилди.

Президентимиз мисол сифатида Пекин ва Москвадек йирик шаҳарларда тирбандлик даярли кузатишмаслигини тилга олди, бизда ҳам шунга интилиши шартлигини кўрсатиб ўтди.

Транспорт вазири ва бошқа мутасаддиларга жамоат транспортини ривожлантириш, светофорлар ва йўл чиқиқлари ўрнатиш, тирбандликнинг олдини олиш, пойтахт кўчалари ва худуудлардаги йўлларни тартибга солиш бўйича қатъий чоралар кўриш топширилди. 2024 йил бу борада жиддий ўзгаришлар йили бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг жонқуярлик билан айтган бу гапларидан қаттиқ таъсирландик ва шу баҳона анчадан буён йўлаб келаётган мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашимизга жазм этдик.

Бугун йўл-транспорт ҳодисалари оқибатлари ҳақида узоқ ва жуда қайғули суҳбатлашимиз мумкин. Чунки ижтимоий тармоқларга назар солсак, йўлларда ҳар кун камидан иккита-учта йирик йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани, унда одамлар вафот этгани ҳақида ўқиймиз. Аслида, уларнинг сони анча кўп. Биз фақат ижтимоий тармоқларда эълон қилинганларидан хабар толамиз, холос.

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 2 миллиондан ортиқ инсон автоҳалокат қурбонига айланган. ИТХ натижасида турли тан жароҳатлари олиб, майиб-мажрўҳ бўлиб қолганлар сони эса 20 миллиондан кўпроқ. Булар аслида анча кўрқинчли рақамлар.

ИТХларнинг олдини олиш, сонини камайтириш бўйича дунёда таъсирчан чора-тадбирлар амалга ошириб келинади, юзлаб қонунлар қабул қилинади

Бирок эришилган натижалар ҳаминча йўллардаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида вафот этаётгани, улар орасида болалар ҳам борлиги барчамизнинг қалбимизни ларзага солди. Бунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қониқарсиз фаолиятига эса депутатлар бефарқлиги афсус билан қайд этилди.

Президентимиз 2022 йил январда ўтказган видеоселектор йўғилишида қоронавирдан кўра, ИТХ туфайли ҳалок бўлаётган фуқаролар сони кўплигини таъкидлаб, ушбу кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатма ва топшириқлар берган эди. Аммо орадан шунча вақт ўтибди ҳамки, бу аянчли манзара қарийб ўзгармади, балки ёмонлашиб бораётгани яна бир бор давлатимиз раҳбари эътиборидан четда қолмади.

Тўғри, ўтган даврда ИТХлар сонини камайтиришга эътибор бир қадар кучайтирилди. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, фожиали кўрсаткичлар соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳали жуда кўплигини аниқлашди. Келинг, энди йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш сабаблари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари, шунингдек, амалга оширилиши зарур бўлган муҳим тадбирлар ҳақида сўз юритсак.

Келинг, энди йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш сабаблари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари, шунингдек, амалга оширилиши зарур бўлган муҳим тадбирлар ҳақида сўз юритсак.

Йўл бефарқлиги ва риюасизликни кечирмайди

Аслида, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи юзлаб сабаблар

мавжуд. Биз эса уларнинг асосийлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Шубҳасиз, ИТХни ҳеч бир ҳайдовчи қасдан содир этмайди. Бундай ҳодисаларнинг асосий қисмига ҳайдовчиларнинг эҳтиётсизлиги сабаб бўлади.

Суровномаларга кўра, бугунги кунда ҳайдовчиларнинг асосий қисми автомобилни бошқариш ҳамда йўлда ҳаракатланиш пайтида келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас ёки бу қоидаларга эътиборсиз ва менсимай қарайди.

Бунинг сабаби эса ҳайдовчиликка ўқитиш курслари ҳамда олий ўқув юртрадида бу борада етарли даражада билим берилмаётганида бўлиши мумкин.

Автотранспортни бошқариш учун фақатгина йўл қоидалари ҳамда транспорт воситасини бошқаришни билишнинг ўзи кифayo эмас. Ҳайдовчилар учун йўлда ҳаракатланиш пайтида келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ҳам сув ва ҳаводек зарур.

Бугунги кунда ҳайдовчиликка ўқитиш курслари сони ошиши уларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатаётганини ҳам қайд этиш жоиз.

Гап шундаки, ўқув марказлари эркин рақобат шароитида асосий эътиборни курсларни тезроқ тугатишга қаратмоқда. Натияжада ўрганувчиларга фақатгина йўл қоидалари ҳамда автомобилни бошқариш ўқитилиб, фавқулодда ҳолатларда қандай йўл тутиш кераклиги, ҳайдовчилик маданияти ва инсонлар ҳаётига дахлдорлик борасидаги жуда муҳим мавзулар қолиб кетмоқда. Бу — жуда жиддий камчилик.

Масалан, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга, бироқ бурон ёки туман каби хавфли шароитларда автомобилни қандай бошқариш ўқитилмаган ҳайдовчи хатога йўл қўйиб, ИТХ содир этиши эҳтимоли жуда юқори.

Бундан ташқари, ҳайдовчилар бошқарув пайтида эътиборни чалғитувчи машғулотлар билан шуғулланиши катъиян таъқиқланади. Бирок кўпчилик бунга бефарқ бўлиб, телефондан фойдаланиш, ҳар хил видеоматериаллар томоша қилиш, егулик ейиш ҳамда бошқа мумкин бўлмаган ҳаракатларни бажарган ҳолда автомобиль бошқаради. Бу эса ҳайдовчининг диққатини чалғитиб, эътиборсизлик оқибатида ИТХни келтириб чиқаради.



“Йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлишида йўл носозлиги, хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги, хавфли бурилишларда кўринишнинг ёмонлиги, қарама-қарши йўналишлар ўртаси тўқилмагани, иккинчи даражали йўлларнинг асосий йўлларга қўшилиш қисмларида хавфсизлик тўсиқлари йўқлиги ва бошқа камчиликлар асосий сабаблардан.

Ҳайдовчиларга эҳтиёж пайдо бўлган тақдирда автомобилни тўхташиб, кейин шу каби юмушларни амалга ошириш тавсия этилади.

Пиёдаларнинг йўл қоидаларига амал қилиши ҳам жуда муҳимдир. Негаки, ИТХлар содир этилишига ушбу омил ҳам кўп сабаб бўлмоқда.

Йўлни белгиланмаган жойдан келиб ўтиш каби ҳолатлар ҳайдовчилар учун фавқулодда вазият пайдо қилиб, кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши аниқ.

Бундай ҳаракатларни баъзи пиёдалар қасдан қилса, баъзилари қоидалардан беҳабарлиги учун содир этади. Демак, йўл қоидаларини пиёдалар орасида ҳам янада кенг тарғиб қилиш мақсада мувофиқ.

Зеро, бунинг натижасида автотранспорт воситаси уриб кетиши оқибатида вафот этувчилар сонини сезиларли даражада камайтириш мумкин.

Йўллар ва автомобиль хавфсиз бўлиши керак

Йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлишида йўл носозлиги, хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги, хавфли бурилишларда кўринишнинг ёмонлиги, қарама-қарши йўналишлар ўртаси тўқилмагани, иккинчи даражали йўлларнинг асосий йўлларга қўшилиш қисмларида хавфсизлик тўсиқлари йўқлиги ва бошқа камчиликлар асосий сабаблардан.

Такоррлаш жоизки, йўлларнинг сифат даражаси бўйича мамлакатимизда қилиниши керак бўлган ишлар ҳали талайгина.

Мутасадди вазирлик ва қўмиталар томонидан йўлларнинг мураккаблиги ва носозлиги туфайли келиб чиқувчи хавф-хатарларни бартараф этиш ҳамда замонавий, қулай, хавфсиз ва “ақлли” йўллар қуриш чоралари қўрилиши айни мuddаодир.

Жаҳон тажрибасига қарасак, Германия, Франция, Хитой, Япония, Жанубий Корея каби давлатларда автомобил йўллари ўта сифатли ва хавфсиз барпо этилган. “Ақлли” йўлларнинг кенг тизими мавжуд.

Мазкур йўлларнинг ўртаси сифатли қилиб тўқилган. Бундай ҳолатда бир неча транспорт воситаси тўқнашиб, ағдарилиб ёки ёниб кетганда ҳам қарама-қарши томондаги йўл ҳаракати иштирокчиларга хавф тугдирмайди ҳамда қатновга халал бермайди.

Йўлларнинг четлари ҳам тўқилган бўлиб, бу асосий қатнов қисмига четдан

пиёдалар, маст кишилар, ноғиронлар, ёш болалар, велосипед ҳайдовчилар ҳамда уй ҳайвонлари тўсатдан чиқиб қолганининг олдини олади.

Асосий йўлларга иккинчи даражали йўлларнинг қўшилиши ҳам ўта хавфсиз қурилган бўлиб, қўшилиш жойлари муайян хавфсизлик тўсиқларидан иборат. Асосий йўлдан келаётган автомобилга ҳайдовчиси иккинчи даражали йўлдан асосий йўлга қўшилаётган автомобилга билан қасдан тўқнашиб кетиши эҳтимоли жуда паст. Бежиз бу йўллар “ақлли” деб аталмаган. Мамлакатимизда ҳам мана шундай хавфсиз, “ақлли” йўлларнинг қурилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, техник жиҳатдан носоз автомобиллар ҳам ҳаракат пайтида ИТХ келтириб чиқаради. Автомобилнинг тўсатдан ўчиб қолиши, оғоҳлангувчи чироклар тўлиқ ишламаслиги, тормознинг заифлиги каби ҳолатлар кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда.

ИТХлар сонини қандай камайтириш мумкин?

Аввало, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи сабабларни янада батафсил аниқлаб олишимиз керак.

Қайд этиш жоизки, йўлларнинг сифатини яхшиламай туриб, бу мақсадга эришиш даярлик имконсиз. Чунки сифатли йўл хавфсиз ҳаракатнинг асосий омилли ҳисобланади.

Шунингдек, ҳайдовчиликка ўқитиш тизимида талабни ошириш, бўлажак ҳайдовчиларга транспорт воситалари ва йўллардан фойдаланишда келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарлар, уларнинг олдини олиш учун қўлланадиган эҳтиёт чоралари юзасидан етарли билим ва тушунчаларни беришимиз зарур.

Йўл ҳаракати иштирокчиси бўлган пиёдалар орасида ҳам тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кўпайтириш лозим. Бу борада аҳолига йўл ҳаракати бўйича ўқув қўлланмаларини бепул тарқатиш ҳам яхши самара бериши мумкин. Шунингдек, пиёдалар йўлакларининг ер ости ёки ер усти шақлларида кенг фойдаланиши жорий этиш мақсада мувофиқ.

Йўл белгиларинин

ИНСОН РЕСУРСЛАРИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ, ФАРОВОНЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Отабек ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари



Бошланиши 1-бетда

Мустақам тарихий ришталар, ўхшаш тил, муштарак маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий давлатлар ташкилоти минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланмоқда.

Бугунги кунда ташкилотга аъзо давлатларни дўстлик ва ишончли шериклик алоқаларидан ташқари, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар ҳам боғлаб турибди. Мамлакатларимиз дўстлик муаммо ва масалаларнинг ечимини топишда ўзаро мос ҳамда яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли инновацион ўзгаришлар, рақамлаштириш жараёнлари, сунъий интеллектнинг жорий этилиши ташкилотга аъзо давлатлар олдига янги-янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Бундай шароит давлатларимизнинг ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Қадрлар сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш ва уларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик Туркий давлатлар ташкилотининг улкан салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ташкилотни мустақ-

камлашга хизмат қиладиган муҳим йўналишлардан биридир.

Инсон ресурслари ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлиги, мамлакат иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч, давлат фаровонлигининг бош омили. Айнан инсон ресурслари бошқа барча манбалардан оқилона фойдаланишда ҳал қилувчи ва стратегик роль ўйнайди. Шу жиҳатдан инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришга бўлган эътибор дунё миқёсида тобора ортиб бормоқда.

Олимларнинг таҳлилига кўра, кейинги беш йилликда салоҳиятли профессионал кадрларга бўлган талаб давлат фуқаролик хизматида ҳам, хусусий секторда ҳам ортиб боради. Шундай экан, ҳар бир давлат бу соҳада ўз сиёсатини доимий янгилаб боришга ҳаракат қилади. Сабаби ҳозирги кунда янги, яъни рақамлашган авлод бозорга кириб келмоқда.

Бугун Ўзбекистонда кенг қўламли маъмурий ислохотлар доирасида натижадор, ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегиянинг асосий йўналишларидан бири халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш ҳисобланади.

Стратегида давлат хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионаллик тамойиллари асосида ташкил этиш мақсад қилиб олинди. Соҳани рақамлаштиришни янада жадаллаштириш, давлат ташкилотларида инсон ресурсларини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш, салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Таъкидлаш керакики, сўнгги йилларда барча ижтимоий-иқтисодий дастурлар аҳоли талабидан келиб чиқиб, айнан жойларда амалга оширилмоқда. Бунинг учун “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий қилинди, маҳаллаларга кўплаб ваколат-



Кудайберген БАЗАРБАЕВ,
Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хизмати ва маҳаллий ҳокимият ишлари бўйича агентлиги директори :

— Биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган “маҳаллабай” ишлаш тизими тўғрисида маълумотга эга бўлдик. Бу ижобий тажриба бизда катта қизиқиш уйғотди.

Илгари “маҳалла бешлиги” самарали амал қилган бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда “маҳалла еттилиги”га ўтиш белгиланибди. Бу тизимни кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорлик олиб борамиз.



лар, ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди.

Дастлабки босқичда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат “бешлик тизими” ташкил этилган бўлса, Президентимиз ташаббуси билан энди маҳалла бошқарувиغا солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими ҳам қўшилиб, “маҳалла еттилиги” жорий этилиши белгиланди. Буларнинг барчаси халқчил давлат қуриш, аҳоли муаммоларини вилоят ва республика идораларига боғлиқ қолмасдан, жойида, тезлик билан ҳал қилиш мақсадида амалга оширилмоқда. Эндилгида аҳолининг кундалик масалалари маҳалла даражасида ўз ечимини топмоқда.

Бир суз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Давлат хизматчиси, энг аввало, халқ хизматчиси бўлиши шарт”, деган таъкид босқич-мабосқич ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Бундай кенг қўламли ислохотлар, давлат бошқарувининг янги модели ва халққа хизмат қилишининг янги механизмлари салоҳиятли, садоқатли, виждонли пок, миллий гурури баланд ва профессионал кадрларни ҳар қачонгидан кўпроқ талаб қилмоқда.

Шу мақсадда давлат хизматида очiq танлов тизими жорий қилинди. Истиқболли кадрлар захираси шакллантирилмоқ-

да, давлат хизматчилари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш йўлга қўйилди, соҳа рақамлаштирилди, энг асосийси, буларни ҳуқуқий тартибга солуви “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат хизматини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, давлат хизматчиларининг салоҳиятини тизимли равишда ошириб бориш бўйича олдимизда катта вазифа-

Салим АТАЙ,
Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари офиси раҳбари:

— Йиғилишимиз ғоят муваффақиятли ўтди. Бу билан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат бошқаруви академиясини табриклайман ва миннатдорлик билдираман.

Тадбир йўналиши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки барча соҳалардаги ҳамкорлик бевоқифа инсон ресурсларига боғлиқ. Шунинг учун Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларда инсон ресурсларини ривожлантириш, бу борада кучларимизни бириктириш ва тажриба алмашишни мақсад қилиб олдик. Давлат хизматини рақамлаштириш 2024 йилдаги асосий мақсадларимиздан биридир.



Сади ЖАФАРОВ,
Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби ўринбосари:

— Ўзбекистоннинг ТДТа раислиги инobatта олиниб, мазкур йиғилишнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши катта аҳамият касб этади. Туркий давлатлар аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил қилгани туфайли таълим, ёшлар билан ишлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

лар турибди. Мақсад ва режаларимизни амалга оширишда халқаро ҳамкорликнинг роли катта. Айниқса, туркий давлатларнинг кадрлар сиёсати ва инсон ресурсларини ривожлантириш борасидаги илгор тажрибаси аҳамиятли.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатларнинг инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идора ва ташкилотлари раҳбарларининг Самарқандда бўлиб ўтган бу галги йиғини соҳадаги илгор тажрибаларни янада оммалаштириш учун самарали мулоқот майдони бўлди.

Учрашувимиз мазмун ва натижалари бўйича муҳим аҳамият касб этди. Дастлаб Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича раҳбарлари ўз тажрибалари юзасидан тақдимот қилди.

Озарбайжон Республикаси тақдимотида компетенциялар моделини ишлаб чиқиш тажрибаси ўртоқлашилди. Давлат хизматида иқтидорларни жалб қилишда компетенциялар моделини асосида саралаш ва бу тизимнинг мослашувчан бўлиши муҳимлигига урғу берилди. Қирғиз Республикаси масъул идоралари раҳбарлари томонидан инсон ресурсларини ривожлантириш тажрибаси ўртоқлашилди ва соҳада ҳамкорлик олиб боришнинг аҳамияти қайд этилди. Қозғистон Республикаси вакиллари томонидан танлов тизими модернизацияси, Президент ёш кадрлар резерви, миллий, тармоқ ва худудий ёш кадрлар захиралари тўғрисида маълумот берилди. Ёш давлат хизматчиларини нафақат ўқитиш ва тайёрлаш, балки таълим давомида уларнинг дунёқараши ва фалсафасини ўзгарти-

риш ҳамда карьераси давомида кўмак бериш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси тақдимотида эса “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун ва унинг имплементацияси, очiq танловлар тизими, “маҳалладан республикага” тамойили асосида раҳбар кадрларни тайёрлаш, рақамлаштириш стратегияси, Давлат бошқаруви академияси трансформацияси каби масалалар қамраб олинди. Туркия Республикаси вакиллари Инсон ресурслари офиси томонидан йўлга қўйилган ва туркий давлатларда иқтидорларни кашф қилишга йўналтирилган TALENTforBIZ платформаси, ёшлар стажировкасини ташкил қилиш рақамли платформаси фаолияти юзасидан тақдимот қилди.

Шунингдек, “Замонавий давлат бошқаруви шароитида раҳбар кадрларнинг салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Давлат хизмати соҳасида олиб борилаётган халқаро ва минтақавий тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинди. Йиғилиш давомида икки томонлама музокаралар ҳам ташкил этилди.

Озарбайжон Республикаси Давлат имтиҳон маркази билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Йиғилишнинг иккинчи кунинда меҳмонлар учун “Қўштамғали” маҳалла фуқаролар йиғинига, Қонилик туризм қишлоғига амалий таъшир ташкил қилинди. Дастлаб меҳмонларга “маҳаллабай” ишлаш тизимининг моҳияти, “Қўштамғали” МФЙ фаолияти тақдимот қилинди. “Еттилик” вакиллари билан суҳбатлашган хоржий меҳмонлар ёшлар ва хотин-қизлар баланси юртилаётганини юқори баҳолади. Иш-тироқчилар учун Самарқанддаги тарихий обидаларга зиёрат ҳам ташкил этилди.

Йиғилиш якунлари бўйича Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул идоралар раҳбарларининг III йиғилишини Қозғистон Республикасида ўтказиш, давлат хизматида номзодларни баҳолаш ва иқтидорларни ишлаб чиқишда компетенциялар моделини ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, давлат хизматида иш таҳлилини (“job analysis”) жорий этиш юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида фикрлашилди.

Ушбу учрашув ва унга Ўзбекистон раислик қилгани, инсон ресурсларини бошқариш бўйича мамлакатлар тажрибаси, ютуқлари тақдимот қилингани, қатор ҳамкорлик келишувларига эришилгани, қолаверса, халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини жорий этишга мустақам замин яратиши билан аҳамиятли бўлди.

ЭЪТИРОФ

ҚАЙГА БОРСАНГ, ШУ ВАТАН БОРДИР АМАЛИЙ ТАШРИФ, АМАЛИЙ КЎМАК КЎНГИЛЛАРГА СУРУР ВА ҒУРУР БЕРМОҚДА

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари

“Биз делегация билан Россия Федерацияси сафаридан қайтиб келдик. Энг аввало, мени қувонтиргани Россия Давлат Думасида бўлиб ўтган учрашувда мезбон тарафнинг бизни “Марҳамат”, дея ўзбекона калом билан самимий қарши олгани бўлди... “Внуково” халқаро аэропортида ўзбек тилидаги “Москва — Тошкент” йўналиши бўйича йўловчиларни 27-йўлакдан ўтишларини сўраймиз”, деган лутф ҳам кайфиятимизга ижобий таъсир этди. Она тилимиз куёшга ўхшайди, нури қай ерга, қай дилга етиб борса, ўша ерни ёритади, тафт беради...”



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ёшлар сиёсати департаменти раҳбари Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги комиссия аъзолари 9-20 октябрь кунлари Россияда бўлиб қайтди. Жараёнларни ижтимоий тармоқлар орқали кузата туриб, комиссия аъзоси, Республика Маънавият ва маърифат

маркази раҳбари Минхожиддин Мирзонинг ижтимоий тармоқда хавола этилган юқоридаги фикрини ўқиб, қалбим қувончга тўлди.

Жараёнларни ОАВ орқали кузатиб турган киши “Нима қилибди, борса борибди-да”, дейиши мумкин. Бироқ делегация аъзолари 10 кундан ортиқ вақт давомида ватандошларимиз ҳолидан шунчаки хабар олиб, гаплашиб, учрашув ва тадбирлар ўтказиб қайтмади. Бу ишлар расмийчилик, ҳисоботлар учун қилинмади. Амалий таъширнинг муҳим жиҳати натижа, самара берадиган, юрт соғинчи билан яшаётган кадрларимизга Президентимизнинг саломини етказиш, кўнглига қувонч, шодлик улашиш эди.

Жараёнларни кузата туриб, шунга айтишим керакики, Ватандан йироқда юрт соғинчи ҳамма нарсадан устунлик қилади. Буни сафарга чиққанлар яқши билади. Бундай вазиятларда таниши туғул, нотаниш юрдошини кўриб қолса ҳам шу дақиқалар том маънода хурсандчиликка айланади. Айниқса, ортингиздан Президент саломини олиб, катта бир делегация борса, ҳолингиздан хабар олиб, муаммоларга ечим изласа, кўнглилар осмон қадр юксалиди. Ҳа, бу ҳар бир ватандошимизнинг кўнглида байрам дегани.

Комиссия аъзолари Россия Федерациясининг бир қатор худудларида бўлиб, у ерда таҳсил олаётган, меҳнат қилаётган ўзбекистонликларга яратилган шароитлар билан танишиб, ёшларимизнинг муаммолари ва тақлифлари юзасидан мулоқот олиб борди. Юрдошларимизнинг меҳнат ҳуқуқларини расмийлаштириш юзасидан сайёр қабуллар ўтказилиб, улар учун маданий тадбирлар ташкил этилди.

Ташриф давомида комиссия аъзолари Санкт-Петербург шаҳрида ҳам бўлиб, худуддаги қурилми объектларида меҳнат қилаётган 900 нафар ватандошимиз билан учрашди. Улар билан ўтказилган мулоқот давомида таълим тўлов-контракти, уй-жой, Ўзбекистонда ишга жойлашиш, тадбиркорлик учун кредит, қайтиш учун авиачипта олиш каби 85 та масаланинг 67 таси бўйича маҳаллий ҳокимиятлар билан боғланилиб, учрашув жойида хал этилган кувонарли ҳол.

Амалга оширилган ушбу тадбирлар доирасида фуқароларимизнинг иш ва яшаш шароитлари ўрганилиб, уларнинг талаб ва тақлифлари инobatта олиниб, мавжуд муаммолар ечими юзасидан иш берувчи корхоналар вакиллари билан музокара ўтказилди. Шунингдек, ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг

ватанга қайтиши, ўз яшаш худудига ишга жойлашиши каби аксарият муаммолари жойида бартафат этилиб, маълум вақт, атрофлича ўрганишни тақозо этадиган айрим мурожаатларни ҳал этиш бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Республика ишчи гуруҳи Москва шаҳрига бориб, у ерда Бутунроссия давлат кинематография университетига ўқитётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашди.

Меҳмонлар шарафига уюштирилган концерт дастурида ҳар икки халқ маданиятлари намойиш этилди, ўзбек талабаларининг чиқишлари ва ўзбекона миллий куй-қўшиқлар, жумладан, “Анджидон полкаси” ангради.

Шундан сўнг ишчи гуруҳи Россия Федерацияси Давлат Думаси биносига ташриф буюрди ва бир қатор депутатлар билан учрашди. Музокаралар чоғида ҳар икки томон келгусида ўзаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олди.

Ташриф жараёнларини ижтимоий тармоқлар орқали кузата туриб, ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган билдиргани, бу кувонч уларнинг нигоҳида акс этгани бўлди. Икки-уч дақиқалик видео-тасвирда халқимизнинг бағрикенглиги, меҳрибонлиги, оғир шароитда қийналганларга ҳаммаша меҳр-саховат кўрсатиб келиши олий қадриятларимиздан экани акс этган.

Россиядаги ватандошларимиз мамлакатимизда инсон қадрли, фуқаролари-

мизнинг фаровон яшаши учун олиб борилаётган сиёсатни юртимиздан олисда бўлса ҳам сезаётганини алоҳида таъкидлаб, бунинг учун давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорликларини билдирди. Шу ўринда шоирнинг шеърий сатрлари беихтиёр ёдга тушади:

*Онанг каби гамхур меҳрибон,
Қайга борсанг, шу Ватан бордир.*

Меҳр-саховат кўрсатиш халқимизга хос хусусият. Бу каби хайрли ишлар анъана ва қадриятларимизнинг бардавом бўлишига, пировардида эса халқимизнинг ҳаётини рози, бахтиёр бўлиб яшатишда муҳим ўрин тутди.

Хулоса ўрнида айтиш керакики, Президентимиз томонидан халқимизнинг эркин ва фаровон янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Айниқса, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маданий ва маърифий юксалишига эришиш каби бир қатор вазифаларга асосий эътибор қаратишимиз даркор.

Бу эса жамиятнинг оғти ва тафаккурини, ҳаёт фалсафаси ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилиши, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат, садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Делегация аъзоларининг Россияга қилган ташрифи замирида айнан шу мақсад ётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

НУҚТАИ НАЗАР

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ИЖТИМОЙ МЕЪЁР



Камолитдин ҚОДИРОВ,
Энергетика муаммолари
институту катта илмий ходими,
техника фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Ялпи ички маҳсулотнинг қарийб бешдан бир қисми — бу катта маблағ. Табиийки, савол туғилади: субсидиялашга нима учун бунча катта маблағ ажратилапти?

Энергетика вазирлиги ўтган ой айна мавзуга доир эълон қилган маълумотидан ушбу саволга жавоб топиш мумкин. Жумладан, вазирлик хабаридида қайд этилишича, нарх шаклланишининг бозор механизмлари йўқлиги сабабли давлат энергетика соҳасини субсидиялашга мажбур бўляпти.

Буни вазирлик қуйидагича изоҳлайди: “1 киловатт-соат электр энергиясининг таннархи 970 сўм. Демак, бир ойда ўртача 200 киловатт-соат электр энергияси истеъмол қилинганда ҳам давлат амалда хар битта истеъмолчи учун 135 минг сўмдан субсидия бермоқда. Мамлакатдаги истеъмолчилар сони эса 7,4 миллион хонадонни ташкил этади.

Худди шундай, 1 куб метр газ таннархи 1 минг 890 сўм бўлса, иситиш мавсумида 750 куб метр газ ёқаётган битта оила ўртача 1 миллион 132 минг сўм субсидия олмақда. Айна пайтда мамлакатимиздаги газ истеъмолчиларининг жами сони 4,1 миллион хонадонни ташкил қилади.

Бу дегади, бугун аҳолига электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун ўртача 14 триллион сўмдан ортиқ субсидия ажратилмоқда. Бу бир йилда аҳолининг энергетик эҳтиёжини субсидиялаш учун ўртача 1,15 триллион доллар сарфланяпти, дегани.

Соҳанинг зарар билан ишлаётгани ҳисобига уни давлат бюджетидан субсидиялаш камоматда олиб келмоқда. Бу эса ижтимоий соҳага кўпроқ маблағ йўналтиришга имкон бермапти. Натияжада аслида тизими янгилашга йўналтириш мумкин бўлган маблағ фақатгина ушбу тафовутни қоплашга сарфланмоқда.

Нархларни тўлиқ субсидиялаш ўрнига соҳага бозор тамойилларини жорий этиш, истеъмол қилинган энергия учун бозор талабларидан келиб чиқиб ҳақ тўлашни мўҳим.

Агар соҳага бозор қонунлари жорий қилинса, эртага бу маблағлар тежаллади. Тежалланган маблағни эса ижтимоий соҳани ривожлантириш, янги мактаблар, тиббиёт муассасаларини қуриш, ҳар бир соҳада ишлаб чиқаришни тараққий эттириш учун замонавий технологияларни олиб киришга, қолаверса, энергетика тизимини чуқур модернизация қилишга сарфлаш мумкин.

Бундан ташқари, яшаш учун зарур бўлган бошқа товарлар сингари энергия борасида ҳам бозор қонунлари билан яшаш истеъмолчилик маданияти, ортиқча исроф қилмаслик, харажатларни мустақил назорат қилиш ва оқилона тақсимлаш каби ҳаётий қўнимчаларимизни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга туртки бўлиши шубҳасиз”.

Бозор тамойилларига мослашув

Дарҳақиқат шундай. Бу масаланинг айна пайтдаги бирдан-бир турри ечим соҳага бозор тамойилларини жорий этиш ҳисобланади. Бу борада эса мамлакатимиз энергетика тармоғида дастлабки қадамлар ташлангани мўҳим воқелик, албатта.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 сентябрдаги “Ўқилги-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу йил 1 октябрдан истеъмолчиларнинг 1- ва 2- гуруҳ тоифаси учун электр энергияси бир киловатт-соат учун минг сўмга (Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон металлургия заводи, бюджет ташкилотлари), қолган бизнес ва юридик шахслар учун 1900 сўмга оширилди. Табиий газ тарифлари эса Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон металлургия заводи ва бюджет ташкилотлари

қўрироқ тарифда ҳақ тўлаш, бошқача айтганда, ўсувчан коэффициент қўлланиладиган бўлди.

Унга қўра, электр энергиясининг қуввати ўртача ойлик истеъмол миқдоридан ошиб кетган истеъмолчиларга:

— 1000 киловатт-соатгача истеъмол учун белгиланган тариф нархи ўзгаришсиз қолмоқда — 295 сўм;

— 1001 киловатт-соатдан 5000 киловатт-соатгача истеъмол учун белгиланган тарифга нисбатан 2 баробар — 590 сўм;

— 5001 киловатт-соатдан 10 минг киловатт-соатгача истеъмол учун белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар — 885 сўм;

— 10 минг киловатт-соатдан юқори истеъмол учун белгиланган тарифга нисбатан 4 баробар — 1 минг 180 сўм ўсувчи коэффициент қўлланилиши белгиланди.

Ушбу ўзгаришнинг аҳоли учун мўҳим бир жиҳати тўхталиб ўтиш жоиз. 1 ноябрдан амал қилувчи мазкур ўсувчан коэффициент истеъмолчиларнинг 98 фоизига мутлақо таъсир қилмайди. Яъни мамлакатимиздаги 7 миллион 589 мингдан зиёд абонентнинг 146 мингдан ортиги 1000 киловатт-соатдан кўп электр энергияси ёқади, холос. Уларнинг 10 минги ойига 5 минг киловатт-соатдан ортиқ, 4 мингдан зиёд истеъмолчи эса ойига 10 минг киловатт-соатдан кўп электр энергияси истеъмол қилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тариф нархи истеъмолчиларнинг асосий қисми учун ошмайди, аввалгидек бир киловатт-соат учун 295 сўмдан тўлайди. Аммо минг киловатт-соатдан ошган қисми учун ўсувчан коэффициент қўлланилади. Бу одамларда тежамкорлик кайфиятини кўнатириш ҳамда “яширин иқтисодиёт” унсурларига барҳам беришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу кунгача маиший истеъмолчилар учун ўрнатилган тариф, асосан, давлат томонидан субсидия ажратилиши ҳисобига амалга оширилмаётгани ва электр энергия таъминоти учун тўлов харажатларини тақсимлашда жиддий камчиликлар мавжудлиги бўйича муҳокамалар кўпайди.

Табақалаштирилган тарифлар тизими

Чекланган давлат бюджети имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, республика маиший истеъмолчиларида электр



раганда, барқарор электр энергияси таъминоти учун уни ишлаб чиқариш ва истеъмолга етказишда сезиларли инвестициялар талаб қилади, бу эса айрим манбалар ҳисобидан қопланишига олиб келади. Электр энергиясини етказиб берувчи ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги оптимал мувозанатни сақловчи мақбул тарифларни қўллаш давлат энергетика системасининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мустиқиллик йилларида электр энергияси истеъмолчиларида турли хил тариф гуруҳлари шакллантирилиши билан бирга, уларнинг нархлари ҳам турлича қўлланилди. Тариф нархларининг ўзгариши йилига икки марта амалга оширилди. Сунги ўзгариш 2019 йилда кузатилади ва маълум вақт бу жараённинг тўхтатиб турилишига турли сабаблар, шу жумладан, коронавирус пандемияси ҳам таъсир қилди. Бу эса давлат томонидан тариф нархларини ўзгартиришсиз қолдириб, субсидиялашни қўнунийлаштириш ва уни қисқартиришнинг бошқа йўллари ни излашга олиб келди.

Шу йил 1 ноябрдан бошлаб эса электр энергияси истеъмолчида ҳам бозор тамойилларига хос янги тартиб белгиланмоқда. Хусусан, маиший истеъмолчилар учун ҳисоб-китобларни ижтимоий меъёрлар асосида амалга ошириш белгиланди. Яъни 1 ноябрдан бошлаб ўртача истеъмол миқдоридан кўп электр энергия истеъмол қилувчи маиший истеъмолчиларда табақалаштирилган тарзда

энергияси учун белгиланган тариф нархларига ажратилмайдиган субсидияларни қисқартириб, истеъмол қилмайдиган ресурслар ҳажмига қараб тарифларни фарқлаш, яъни ижтимоий меъёрларни жорий этиш орқали амалга ошириш бугунги куннинг долзарб мавзусига айланди. Бу борада пилот лойиҳа Юнусобод туманида таъжриба тариқасида амалга оширилди.

Республикада йиллар давомида истеъмолчилар орасида, асосан, ишлаб чиқариш корхоналари учун тариф нархлари турлича шакллантирилди. Мисол учун, “тиғиз” даврларга белгиланган лимитлар ёки вақт даврлари бўйича табақалаштирилган тариф ва бошқалар. Маиший истеъмолчиларда эса бу тарифлар тизими бир хилликда ўшаб турилди ва фақатгина нархларнинг оширилиши билан кифояланди. Ваҳоланки, юртимизда электр энергияси истеъмолчи бўйича ишлаб чиқариш корхоналаридан кейинги ўринда маиший истеъмолчилар туради. Яъни умумий етказиб берилаётган электр энергияси ва табиий газ бўйича маиший истеъмолчиларнинг улуши 22-23 фоизни ташкил этади.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар тизимини қўллаш учун юқори самарадор технологияларни яратиш, истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолчининг баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш, сарфини меъёрлаштириш, истеъмол жараёнини комплекс бошқа-

“ Ижтимоий меъёр истеъмол миқдоридан келиб чиқиб, икки, уч ёки бошқа миқдорларда бўлиши мумкин. Мисол учун, бу миқдорлар 300 киловатт-соатгача, 300 киловатт-соатдан 500 киловатт-соатгача ва 500 киловатт-соатдан юқори. Ушбу истеъмол миқдорларидан келиб чиқиб, табақалаштирилган ижтимоий меъёр тариф нархлари шакллантирилади. Маълум бир белгиланган коэффициентлар билан нархланади.



риш тизимини ишлаб чиқиш ва ушбу жараёнда бошқарув ва техник омилларнинг комплекс таъсири даражасини аниқлаш, электр энергияси истеъмолчини ишлаб чиқариш ва технология омилларга боғлиқлик даражасини аниқлаш усуллари тақомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Европа давлатларининг аксариятида вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар тизими амалиётга анча йиллар олдин жорий қилинган. Унда ҳам юклама камийиши ҳисобига икки томонга ҳам фойда бўлади. Шу мақсадда кундузги ва тунги, ёғзи ҳамда кишики мавсумларда истеъмолчилар учун турли тарифларнинг вақт бўйича табақалаштирилган тарифларга ёндашуви қўлланилади. Электр энергияси учун тўловлар тизимидаги хилма-хилликдан истеъмолчи электр энергияси қиммат вақтларда уни камроқ ишлатишдан манфаат кўради.

Вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар тизими истеъмолчиларнинг талабига биноян сутканинг турли вақтида, ҳафта давомида, дам олиш кунлари, байрам кунлари, кечаси ёки кундузи фойдаланиш орқали фарқланади. Бундан ташқари, истеъмолчилар талабига қараб ҳафта давомида арзонлаштирилган нархда фойдаланиш мумкинлиги, шу билан бирга, дам олиш ва байрам кунлари иш кунларига қараганда баландроқ нархда вақт бўйича табақалаштирилган тарифларни қўллаш энергетика тизими графикаларини текислашга олиб келади.

Ижтимоий меъёр нисбатан вақт бўйича табақалаштирилган тарифларни жорий қилиш электр энергияси истеъмолчини кам юкламали тунги соатларда рағбатлантириш эвазига истеъмолчи кўчириш имконияти юқори ҳисобланади.

Маиший истеъмолчиларда вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар тизимини амалга ошириш, истеъмол қилинган электр энергияси миқдорининг даврларга бўлинишига боғлиқ бўлади. Мисол учун, вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар тизимини сутканинг эрталабки ва кечки “тиғиз” соатларига қараб электр энергияси баҳосини ўзгартириш имконияти мавжуд. Шунинг учун бундай тарифлар тизими одатда

Вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар тизимида ҳар бир истеъмолчи “тиғиз” соатларда электр энергияси истеъмолчини камайтириш орқали юклама графиги текисланишига ҳисса қўшади. Бундай ёндашувда таъминотчи ташкилотлар уларни “тунги” ва “кундузги” даврларда нархларни арзонлаштириш ҳисобига рағбатлантиради.

Ушбу жараён нафақат сутка даврлари, балки йил фаслларида ҳам қўлланиши мумкин. Унда ҳам юклама камийиши ҳисобига икки томонга ҳам фойда бўлади. Шу мақсадда кундузги ва тунги, ёғзи ҳамда кишики мавсумларда истеъмолчилар учун турли тарифларнинг вақт бўйича табақалаштирилган тарифларга ёндашуви қўлланилади. Электр энергияси учун тўловлар тизимидаги хилма-хилликдан истеъмолчи электр энергияси қиммат вақтларда уни камроқ ишлатишдан манфаат кўради.

Маиший истеъмолчиларнинг ижтимоий меъёрга ўтиши учун қўйиладиган талаблар

Маиший истеъмолчиларда ижтимоий меъёр, яъни қиймат чегарасини жорий этиш уларни табақаларга ажратишга олиб келиши мумкин. Ижтимоий меъёр хонадонда яшаётганлар сони ёки белгиланган миқдордан келиб чиқади. Электр энергияси истеъмолчида ижтимоий меъёрни белгилаш қуйидагиларга боғлиқ:

- истеъмолнинг кўп ёки ақсинча камлиги;
- хонадонда яшовчи аҳоли сони;
- аҳоли пункти турига (шаҳар ёки қишлоқ);
- шаҳардаги кўп қаватли уйлар ёки шахсий ер уйлари;
- электр печкалар ва электр иситиш мосламаларининг мавжудлиги;
- газ билан таъминланганлик даражасига (шаҳар ёки қишлоқ);
- ёлғиз яшовчи пенсионерларга;
- ноғиронлиги бўлган шахслар ва бошқаларга.

Шундай экан, бу борада республика бўйича барча маиший истеъмолчиларнинг ҳолати бўйича маълумотларни таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий меъёр миқдори маиший истеъмолчилар даромадлари



истеъмолчилар электр энергияни истеъмол қилишда ўзларига мос тариф даврларини танлаш имкониятини яратади.

даражасига мос келиши зарур. Шу билан бирга, бадавлат маиший истеъмолчилар электр энергияси учун юқори тарифлар

бўйича тўлов қилиши уларнинг фаровонлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Барча маиший истеъмолчилар, шу жумладан, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси учун электр энергияси тарифларини бир хил этиб белгилаш эмас, балки истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, мақбул тарифни жорий этиш масаласи ҳам очик қолмоқда. Бундан ташқари, республикада маиший истеъмолчиларнинг яшаш жойи ва уларнинг турли хил электр жиҳозларидан фойдаланишига қараб, айрим тоифалар учун ижтимоий стандартлар ишлаб чиқилмаган.

Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталари билан жиҳозланган кўп квартиралли уй-жойлар ва ётоқхоналарда яшайдиган маиший истеъмолчилар учун ҳам ўсувчан коэффициент қўлланилиши муаммо ҳисобланади.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда харажатлар динамикаси барча истеъмолчи гуруҳлари учун қўлланиладиган тарифлар бўйича истеъмол ҳажмларига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, маиший истеъмолчилар учун электр энергияси тарифларини белгилашнинг мақбул механизмларини яратиш имкониятлари ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш керак.

Россия Федерациясининг олпита вилоятида ижтимоий меъёрни жорий этиш бўйича пилот лойиҳа 2013 йилда бошланган. Таққикотлар натижасида ушбу ишга масъул бўлган икки вазирлик: қурилиш ва энергетика вазирликлари таъжриба натижаларига қўра, бу усул тежамкорликка олиб келмапти.

Умуман олганда, дунёнинг ривожланган мамлакатларида электр энергияси нархларини тарифлаш муаммоси долзарб ҳисобланади. Маиший истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш ва тарифларни жорий этиш орқали истеъмол маданиятини шакллантириб, тизимга таъсири бўйича ишлар олиб берилади. Истеъмолчиларда жорий этилган тариф икки томонга, яъни электр энергияси етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ўз таъсирини ақс эттириши керак. Мисол учун, бу вақт бўйича табақалаштирилган тарифлар бўлиши мумкин. Ривожланган давлатлар электр энергетика тизимида сутканинг эрталабки ва кечки “тиғиз” вақтларида истеъмолчи пасайтириш, сутканинг бошқа вақтларида эса ошириш ҳисобига истеъмолчиларни рағбатлантириш ва шунга ўхшаш механизмлар кенг қўлланади.

Кўпгина олимлар аҳолини сунъий равишда арзон нархдаги электр энергияси билан таъминлашнинг узоқ мuddатли салбий оқибатларини таъкидлайди. Бошқа томондан, кўплаб наشرлар барча маиший истеъмолчилар учун электр энергиясининг ягона бозор нархини белгилаш катта ижтимоий харажатларни талаб қилади, деган фикрни илгари сурди.

Ижтимоий меъёр истеъмол миқдоридан келиб чиқиб, икки, уч ёки бошқа миқдорларда бўлиши мумкин. Мисол учун, бу миқдорлар 300 киловатт-соатгача, 300 киловатт-соатдан 500 киловатт-соатгача ва 500 киловатт-соатдан юқори. Ушбу истеъмол миқдорларидан келиб чиқиб, табақалаштирилган ижтимоий меъёр тариф нархлари шакллантирилади. Маълум бир белгиланган коэффициентлар билан нархланади. Лекин электр энергетика тизимининг эрталабки ва кечки “тиғиз” вақтларидаги юкламаларни бартафоз этишга хизмат қилмайди.

Ўз навбатида, маиший истеъмолчиларнинг табақалаштирилган ижтимоий меъёр тариф нархлари бўйича тўловларни амалга оширишига таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд, бу даромадлар, бандлик динамикаси, камбағаллик даражалари ва бошқалар.

Умуман олганда, электр энергияси истеъмолчида ижтимоий меъёрни киритиш тизимда маълум мuddатга самара бериши мумкин. Чунки у истеъмол талабининг ўсишини кейинги даврларга суриб, уни бир оз сундиришга имкон беради. Аммо бу муаммонинг ечими эмас, уни бир оз мuddатга кечиктиришдир.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўсувчан коэффициент тартиби электр энергетикаси соҳасига бозор тамойиллари таъкид этилишининг мўҳим босқичи. Кўпроқ электр энергияси ишлатганлардан кўпроқ маблағ олиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, энергетика соҳасидаги 40 йилдан бери модернизация қилинмаган ақсарият ускуналарнинг янгилайишига замин яратади.

Бошқа томондан эса, фикримизча, бу билан тўхтаб қолиш керак эмас. Нафақат тўхтамастик, ўсувчан коэффициент келтириб чиқариши мумкин салбий жиҳатларнинг олдини олиш чораларини излаш талаб этилади. Ассосий эса электр энергияси етказиб берувчи ва истеъмолчиларга мақбул бўлган тарифларнинг янги лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда давом этишимиз лозим.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

АЛОҲИДА ЁНДАШУВ ВА ЭЪТИБОР

ҳар бир бола камолотида
муҳим ўрин тутати

Амударё туманининг Жумуртов шаҳарчасида яққа тадбиркор Санобар Сафарбоева ташкил этган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият бошлаганига икки йил бўлди. Худудда яшовчи 25 болажонни бағрига олган, атрофи мевали, манзарали дарахтлар ва анвойи гуллар билан ўралган бу хушманзара ва баҳаво маскан кичкинтойларга маъқул ва манзур.



Асли ўзи болажон, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси йўналиши бўйича имтиёзли диплом соҳибаси Санобар Сафарбоева узоқ йиллар болажон тарбияси билан шуғулланди. Беш қизни ўқитиб, вояга етказди, иккисини уйли-жойли қилган, севган соҳаси бўйича ишлашни истади. Аксига олиб, у яшайдиган шаҳарчада боғча умуман йўқ эди. Шу боис, оила аъзолари билан кенгашириш, ўзларининг бўш турган саккиз хонали турар жойида оилавий мактабгача таълим ташкилоти очиб қарор қилди. Болалар ҳар куни бу масканга тапшилиб, интиқиб келади. Санобар Сафарбоева боғча фаолиятини йўлга қўйиш орқали 4 нафар ёшни иш билан таъминлади.

— Боғчамиз ховлиси кенг. Болалар майдончаси, яшил худуд, ошхона, дам олиш ва овқатланиш хоналари, ётоқхона, машғулотлар хоналари бор, — дейди мудира. — Эрталабки чинчиқ машғулотларидан сўнг нонушта берилади. Дастурхонда томоркамизда етиштирилган सबзотлардан тайёрланган хуштаём таомлар, шунингдек, мева-чева қўйилади. Машғулотлар, дидактик уйин-

рига мос муомала қиладиган мудира ишни қатъий тартиб-интизом асосида бошқаради.

— Боғчамиздаги тарбиячилар касбий фаолиятига доир, шунингдек, санъат, спорт бўйича ўтказилаётган танловлар, мусобақаларда доим фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда, — дейди боғча раҳбари. — Тарбияланувчилар эса турли байрамлар муносабати билан бўладиган сайилар, концерт дастурларида намойиш қатнашиб, кўникмасини намойиш этмоқда. Болаларга замонавий таълим-тарбия бериш учун бор имкониятимиздан фойдаланялмиз.

Боғчада тажрибали тарбиячилар ўғил-қизларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши, бошланғич таълимга доир дастлабки тушунчаларни ўзлаштиришига пухта замин ҳозирламоқда. Ана шундай маҳоратли тарбиячилардан бири Дилфуза Йўлдошева 2015 йилдан бери ишлаб келмоқда. Соҳадаги фаолиятига эса 22 йил тўлди. Утган даврда мураббий ўзлаб болаларга тарбиячилик қилди. Уларга қўшилиб ўйнади, суҳбатига қўлоқ тутиб,



ларда ҳам болалар бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳаракат қилади. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очилгани худуддаги ишлайдиган аёлларга жуда қўл келди. Боиси, фарзандлари боғчада, улардан кўнгли тўқ. Тарбиячилар ҳам болаларнинг яйраб ўсиб-ўлғабётганидан, бунда ўзларининг ҳиссаси борлигидан хурсанд.

Амударё туманида мактабгача таълим ташкилотлари йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳозир туманда 52 та давлатга тегишли, 4 та давлат-хусусий шериклик асосидаги, 78 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият қўрсатмоқда. Мана шу 134 та боғча туманда 3-7 ёшли 17 миңдан зиёд боладан 12 237 нафарини қамраб олган. Шу билан қамров кўрсаткичи 71,9 фоизни ташкил қилди. Жорий йил якунига қадар тизимга тадбиркорларни жалб қилган ҳолда яна 10 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очиб орқали 250 болани қамраб олиш режалаштирилган. Шунда қамров кўрсаткичи 73,4 фоизга етди.

Туманининг Мангит шаҳрида фаолият қўриётган 40-мактабгача таълим ташкилотига бутун 6 гуруҳда 180 ўғил-қиз тарбияланмоқда. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида машғулот, овқатланиш ва дам олиш хоналари мавжуд. Болаларга 16 нафар малакали педагог-тарбиячи таълим-тарбия бermoқда. Боғча остонасидан ҳатлаган киши беихтиёр ўзини болалар дунёсига кириб қолгандек ҳис қилади. Кичик сулаҳдан жой олган “Зумрад ва Қиммат” эртаги қаҳрамонлар турли уйинчоқлар, безатилган хоналар болаликнинг беғам, беташвиш ва бахтиёр дамларини эслатади.

Мазкур муассасага 2007 йилдан бери таърибали мутахассис Шарифа Сейтова раҳбарлик қилиб келади. Тарбияланувчиларни номма-ном таъинидиган, ҳар бири билан характе-

саволларига эринмай, батафсил жавоб бeрди. Мактабга қузатган кезлари уй-ҳаёли улар билан кетгандек бўларди. У тарбияланган ўғил-қизлар ҳозир турли касб эгалари бўлиб, ҳаётда ўрнини топган. Учрашиб қолганда уларнинг болалик дамларини кўмсаб, “боғча опа” дея сўрашишдан завқланиди, касбига меҳри яна ҳам ортади.

Эҳтимол, шунданки, Дилфуза Йўлдошева намунали тарбиячи сифатида соҳа ходимлари орасида танланди. “Йил тарбиячиси”, шунингдек, спорт, санъат бўйича мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ўртасида ўтказилган синовларда иқтидорини намойиш этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Аслида, тарбиячи ишининг машаққатини ҳис қилмаймиш. Базъан оиламидаги кичкинтойларни парвартиришда қийналган дамларда турли муҳитда, турлича тарбия олаётган 25-30 болани атрофида жиқлаб, таълим-тарбия бериш захматини ҳис қилгандай бўлмас.

Мактабгача таълим соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида давом этмоқда. Шу асосда мактабгача таълимни сифат даражасига олиб чиқиш, соҳада хусусий сектор иштирокчини кенгайтириш, болаларни боғчага қамраб олиш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Чунки мактабгача таълим узлуксиз ўқитиш тизимининг бирламчи бўлиб, соғлом ва баркамол болани тарбиялаш ҳамда мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири**

ҲАМКОРЛИККА — 30 ЙИЛ

Ўзбекистон — ЮНЕСКО: МАЪРИФИЙ ДУНЁ ВА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ИНТИЛИШЛАР САРҲИСОБИ

**Ойбек АБДИМҲМИНОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент**

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда 193 мамлакат ЮНЕСКО аъзоси. Ўзбекистон ҳам 1993 йил 26 октябрь куни мазкур ташкилот аъзолигига қабул қилинган. 1994 йили ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ташкил этилди, 1996 йилда Тошкентда ЮНЕСКО ваколатхонаси иш бошлади.

Ўзбекистон ЮНЕСКО билан таълим, фан, маданият, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, экология каби масалаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ҳозиргача мамлакатимиз ташкилотнинг 14 қўмитасига сайланган, 7 та халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатига аъзо бўлган. Ташкилот кўмағида Ўзбекистонда 16 та турли ижтимоий-сиёсий, маданий марказлар ташкил этилди.

**Таълим соҳасидаги
ҳамкорлик тарихи ва
истиқболлари**

Таълим соҳаси Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан биридир.

БМТ ва ЮНЕСКО томонидан “Таълим барча учун”, “Саводхонликнинг ўн йиллиги”, “Барқарор тараққиёт таълимнинг ўн йиллиги” каби дастурлар қабул қилинган. Ўзбекистон ҳам мазкур дастурларни амалга оширишнинг фаол ташаббускори бўлди. Ташкилот Ўзбекистон билан узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг барча йўналишлари ва босқичларида ҳамкорлик қилиб келади. 1996 йилдан бунён мамлакатимиздаги 46 ўқув муассасаси, 41 умумтаълим мактаби ва 5 та касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицейи ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар тармоғига аъзо сифатида фаолият қўримоқда.

Бирлашган мактаблар тармоғи дастурининг асосий мақсади халқаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, маданиятлараро мулоқот ҳамда барқарор тараққиёт, демократия, бағрикенглик каби ғояларни тарғиб этиш ва таълим сифатини оширишга қўмаклашидир. Ушбу тармоқ доирасида Ўзбекистон мактаблари ЮНЕСКОнинг “Патримонит”, “Мондиалого” каби дастурларида қатнашиб келади.

ЮНЕСКО Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришда, талабалар ва илмий мутахассис кадрлар, профессор-ўқитувчилар билан илм-фан соҳасида академик таърибга алмаштиришда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Унинг кўмағида илмий тадқиқот ишлари юзасидан ўзбекистонлик талабалар ва илмий кадрлар халқаро стипендиялар соҳиб бўлди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир қатор олий таълим муассасаларида ЮНЕСКО кафедралари ташкил этилди. Бу кафедралар инсон ҳу-

қуқлари, тинчлик маданияти, бағрикенглик қарор топтириш, тарихий обидаларни сақлаш ва тарғиб этиш, фуқаролик ҳамда қадриятлар таълимни юксалтириш, жаҳон динларини қиёсий тадқиқ этиш ва уларга ҳурмат руҳини шакллантириш, аънаваный халқ тиббиётини ўрганиш, экологик маданият, санъат бошқаруви, иқтисодий билимларни юксалтириш каби соҳаларда фаолият қўримоқда.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Инсон ва биосфера”, “Халқаро гидрология”, “Ижтимоий ислохотлар бошқаруви”, “Биотика” каби дастурлар қабул қилинган. Хусусан, “Инсон ва биосфера” дастури бўйича биосфера қўриқчаларининг ҳужжатлари ташкил этилган. Ушбу тармоққа Ўзбекистоннинг Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси киритилган. “Халқаро гидрология” дастури доирасида ўзбекистонлик етакчи олимлар ва тадқиқотчилар сув муаммолари бўйича йирик изланишларни амалга оширмоқда.



Чехия гранти, 4 нафари КБС гранти (Корея), 1 нафари ташкилотнинг устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаш гранти соҳиб бўлган.

Олима аёлларимиз ҳам ЮНЕСКОнинг “Табий фанларда олима аёллар” номли Л’Ореал қўшма грантини қўлга киритди.

**Миллий маданият ва
тарихий меросни халқаро
тарғиб қилиш**

Ўзбекистон бой қадимий маданият, миллий қадриятлар ва тарихий меросга эга бўлган замин. Маданий ва тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг миллий қонунчилик тизими ҳам яратилиб, халқаро ҳуқуқий нормаларга қўшилиш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон 1993 йили ЮНЕСКОнинг “Умумжаҳон маданий ва табиий меросларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, 1996 йили “Қуролли моjarолар чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 1997 йили “Маданий мерос бойликларини ноқонуний олиб кириш ва чиқиш, уларга эгалик қилиш ҳуқуқини узулгаларга топширишни



тақиқлаш тўғрисида”ги конвенцияларини ратификация қилди.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхати 1978 йилдан бунён юритилиб, у жаҳоннинг ноёб ёдгорликларини халқаро миқёсда рўйхатга кириштиш ва муҳофаза этишга қаратилган. 2023 йил ҳолатига кўра, бу рўйхатдан жаҳоннинг 1199 та ёдгорлиги жой олган. Ўзбекистондан ҳозиргача Хивадаги Ичан қалъа, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази, Самарқанд маданиятлар қорраҳаси, Ўзбекистон, Қозғонистон ва Қирғизистон қўшма номзодлигида Фарбий Тянь-Шань тоғлари ушбу рўйхатга киритилди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлик алоқалари натижасида бир қатор қадимий шаҳарлар, буюк алломалар, тарихий шахслар, миллий қадриятларнинг юбилей саналари халқаро миқёсда нишонлаб келинади. Утган йилларда Самарқанд шаҳрининг 2750, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700, Бухоро, Хива ва Термиз

2017 йили “Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, аънаваный технологияларни ишлаб чиқарувчи атлас ва адресларни ҳимоя қилиш”, 2019 йили Хоразм рақси — “Лазги”, 2020 йили Миниатюра санъати, 2021 йили Бахшичилик санъати, 2022 йили Ўзбекистон ипаги, ипакчилик ва Хўжа Насриддин афандининг латифаларини айтиш аънаваный ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

шаҳарларининг 2500, Тошкентнинг 2200 ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди. “Алломи” дostonининг 1000 йиллиги, “Авесто” китобининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги юбилей саналарига бағишлаб

қайта тиклаш, таълим тизими сифатини ошириш ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонда ёшларнинг меҳнат кўникмаларини ривожлантириш бўйича қатор муҳим дастур ва лойиҳалар самарали амалга ошириб келинмоқда.

ЮНЕСКО ҳамкорлигида Ўзбекистон тарихи ва маданиятини чуқурроқ тарғиб этиш ва халқаро миқёсда янада кенгроқ таништириш мақсадида йилдан-йилга янги йўналишдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. “Ипак ва зирворлар”, “Атлас байрами”, Халқаро мақом, Бахшичилик, Хунармандчилик, Лазги фестиваллари каби тадбирлар ҳар йили аънаваный равишда ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

2017 йили “Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, аънаваный технологияларни ишлаб чиқарувчи атлас ва адресларни ҳимоя қилиш”, 2019 йили Хоразм рақси — “Лазги”, 2020 йили Миниатюра санъати, 2021 йили Бахшичилик санъати, 2022 йили Ўзбекистон ипаги, ипакчилик ва Хўжа Насриддин афандининг латифаларини айтиш аънаваный ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш халқаро қўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Мамлакатимизда тарихий мерос объектларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси фаолияти ва Минтақавий гуманитар ҳамкорлик бўйича “Хива жараёни” тизими ташкил этилди.

2019 йили Хива шаҳрида “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданият форуми, 2020 йили “Ёшлар — 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми, 2022 йили Тошкентда Кичик ёшдаги болаларга тарбия ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси ЮНЕСКО ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш доирасида ЮНЕСКО билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2022 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган таълим бўйича барча саяё-ҳаракатларини тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкентда ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини, жаҳонда тўпланган илғор тажрибалар, замонавий интерактив ўқитиш услублари, амалий билим ва кўникмалар билан ўзаро алмаштириш мақсадида Тарбиячилар халқаро ҳамжамиятини ташкил этиш ташаббуслари илгари сурилди.

Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида “Дунё динларини қиёслаш тадқиқ этиш”, “Сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси”, “Маданият туризми” каби кафедралар очилмоқда. 2023 йили Ўзбекистон Миллий архивидан ўрин олган “Бухоро амрлиги Қўшбег маҳкамасининг архив фонди” ва Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги “Мавлоно Жалолиддин Румий асарлари” ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурига киритилди. 2023 йили ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси қўмитасининг 45-сессиясида “Ипак йўли: Зарафшон-Қорақум” йўлига жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Шунингдек, 2023 йили улуғ аллома Абу Райҳон Берунийнинг 1050 йиллиги ЮНЕСКО қароргоҳида халқаро миқёсда нишонланди.

Ўзбекистон ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг 30 йилли мобайнида маданият ва тарихий меросни сақлаш борасида кенг қамровли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди ва ривожлантирди. Ўзбекистондаги қўллаб ёдгорликлар, қадимий моддий ва номоддий аънавалар ЮНЕСКО рўйхатларига киритилди ва халқаро муҳофазатга олинди. Бу тадбирлар миллий қадриятлар ва аънаваларни сақлаб қолиш билан биргаликда Ўзбекистон учун жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ кириб бориш ва янгидан-янги истиқболларни очиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу борада Ўзбекистонда бир қатор тарихий-маданий ёдгорликлар, номоддий маданий мерос обидаларини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш, қадимий шаҳар ва тарихий шахсларнинг юбилей саналарини халқаро нишонлаш, етакчи олий ўқув юрталарида ЮНЕСКО кафедраларини очиб қайта тиклаш ҳам мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш Ўзбекистон ва ташкилот ҳамкорлигини янада мустақамлашга ҳизмат қилди. Бу эса жаҳон халқларининг Ўзбекистон маданиятига қизиқишини ошириб бораверади.

**Муносабатларнинг
янги босқичи**

Янги Ўзбекистон шароитида ЮНЕСКО билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичга қўтарилиб, янада ривожланиб бормоқда.

2018 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО бош қароргоҳида бўлиб, ташкилот Бош директори Одри Азуле хоним билан учрашди. Мазкур учрашув асосида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО алоқаларини янада ривожлантиришга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Уз навбатида, 2019 ва 2022 йилларда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле Ўзбекистонга таширф буюрди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Сўнги йилларда ЮНЕСКО билан таълим, фан, маданий мерос, ахборот ва коммуникация соҳаларида ҳамкорлигимиз жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, мазкур ташкилот кўмағида юртимиздаги бутунжаҳон маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, қадимий Буюк ипак йўлида мавжуд бўлган маданий алоқаларни

МОДДИЙ ЭМАС, МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ БОЙЛИК УСТУВОРЛИГИ

Фозил СУЛТОНОВ, меҳнат фахрийси

Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли йўналишики, бу борада ҳўжақўрсинга иш қилиш турли жабҳаларда кутилмаган мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Айни пайтда янги Ўзбекистонни барпо этишда барча соҳаларда янгича ташаббуслар илгари сурилмоқда. Маънавият соҳасидаги ўзгаришлар эса ушбу ташаббусларга қанот бўлиши шубҳасиз. Бутун дунёда гоғлар кураши, ахборот хуружи, рақобат ва мафқуралар олишув кузатилмоқда. Глобаллашув жараёнларида миллий кадриятларни асрамоқ, миллий маънавиятимиз барҳаётлигини таъминлаш эса энг муҳим вазифадир.

МУЛОҲАЗА

Бежиз бу фикрни сарлавҳага олиб чиқмадик. "Инсон қадри, инсонни рози қилиш" гоғларининг ҳаётга татбиқ этилишидаги баъзи мулоҳазаларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Назаримизда, бугун биз мана шу оддий маънавий-руҳий бўйлиги билан, шунинг моҳиятини англашимиз зарур.

Бежиз "Таълимда танаффус бўлиши мумкин, тарбияда бўлмайдик", дейишмаган. Бу ҳикматнинг моҳиятида ҳам маънавият-чилар олдидаги долзарб масаладир. Бу моҳиятан вақтдан унумли фойдаланишни аниқлаш, дунёқарабини шакллантиради. Она

Мамлакатимиз ислохотлар майдони-га айланди. Дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига етиш, тараққийнинг юқори логонасига чиқиш юзасидан барча соҳаларда ўзгаришлар кечмоқда. Юрдошларимизнинг дунёқараш, фикрлаш тарзи ўзгариляпти.

"Хар бир кун — бу имконият, хар бир кун — бу келажак учун пойдевор", деган ҳаётий шioriнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш вазифаси ҳам маънавият-чилар олдидаги долзарб масаладир. Бу моҳиятан вақтдан унумли фойдаланишни аниқлаш, дунёқарабини шакллантиради. Она



ва ота тарбияда ўз тилига қанчалик безътибор бўлса, келажакда бола бетамиз бўлиб вояга етади. Кейинчалик "ойнадан ўпкалаб" юрмаслик учун ҳам фарзандларимиз маънавий дунёсини бойитишга эътибор қаратишимиз лозим.

Муस्ताқиллик ва инсон ҳуқуқлари, инсон қадри тушуналари ўртасида чамбарчас боғлиқлик бор. Инсон муқталик бўлсагина, эркин бўлади ва ўз ҳуқуқларини танийдик, унинг учун кураша олади, ўз қадрини англаб етади. Бу фуқаролик жамиятининг асосий гоғсидир. Фуқаролик жамиятида инсон ўз ички маънавий-руҳий дунёсига лоқайд бўлмаслиги лозим. Унутмайлик: инсониятни жар ёқасига етказиб, муҳдишлик гирдобига ташлайдиган етлатлардан бири лоқайдлик. Чунки лоқайдлик мутеликиннинг онасидир. Мутелиқдан кўрқоқлик дунёга келади. Кўрқоқликдан эса хиёнат туғилади. Хиёнатдан душманлик, унинг оқибатида уруш пайдо бўлади.

лар Давлат дастурида белгиланган бўлиб, уларни сифатли амалга оширишда ўз соҳасининг билимли эғалари тинмасдан меҳнат қилмоқда. Аммо бу гоғнинг маънавий-маърифий уйғунлигини таъминлашда ОАВ ва зиёлиларимиз зиммасида катта масъулият турибди. Ахборот маҳсулотларини узлуқсиз мониторинг ва илмий таҳлил қилишни таъминлаш бу борадаги ишларнинг энг асосийси саналади.

Бизнинг асримизда жамиятимизда хар бир қабул қилувчи шахс ахборотни онгли равишда саралашга, қиёслашга, оқини оққа, қорасини қорага ажратишга ўрганиши шарт. Демак, муқталикнинг муқталик кимлаш, ички ва ташқи сивбатини юритиш, миллий манфаатларимизни таъминлаш йўлида давлатимизнинг халқаро ахборот маконидида ўз ўрнига эга бўлиши ОАВ аъзолари ва зиёлиларимизга улкан масъулият юклайди.

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

КАНАДАДА 16 КЛИНИКА ОЧГАН ЎЗБЕК ШИФОКОР АЁЛМИ ҲАМИША ВАТАН ХИЗМАТИГА ТАЙЁР

Дунёнинг турли нуқталарида мамлакатимиз тақдир учун қайғураётган, янги мазмундаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб, юртга дахлдорлик хисси билан яшаётган ватандошларимиз кўплиги қувонарли, албатта. Улар сафиди Канададаги "The Healthy Way Medical diagnostic Center inc.", "Advanced Cardiology Center inc.", "Bramalea Cardiology Center inc.", "The Healthy Way Cardiology Centre inc." каби клиникалар асосини, кардиолог шифокор Нодира Йўлдошева ҳам бор. У 1960 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент тиббиёт академиясида тахсил олган.



Қувонарлиси, Нодира опа кўллаб ватандошларимиз қатори ўзини Ватани хизмати учун масъул деб билади. Ўзбекистон тиббиётининг нуфузи ортишини, кадрлар салоҳияти янада юксалишини истайдик. Бу борада ўзи ҳам ҳамкорликка тайёр. Қуйида биз тақдим этаётган ҳикояда унинг орзулари, ниятлари мужассам.

Канадада тўрт йилда 16 та шифохонани ишга туширдик

Турмуш ўртоғим — малакали дастурчи. 2007 йилда мутахассислиги бўйича Канадада ишга тақлиф этишди. Шу тариқа ушбу мамлакатга йўл олдик.

Шифокор бўлиб ишлашим учун инглиз тилини билишим зарур эди. Беш ой муна-тазам тил ўргандим. Канадада шифохона очиш учун тинмай ҳаракат қилдим. Бу ерда тиббиёт муассасасини ташкил этиш осон эмас. Сабаби Канада ҳукумати давлат бюджетининг 49 фоизини тиббиётга ажратади. Мен яхши ҳуқуқшунос жалб қилиб, Ўзбекистондаги фаолиятимни Канада ҳукуматига кўрсатдим, кўллаб сўхбатлардан ўтгач, шифохона очишга рухсат олдим.

2009 йил 1 апрель. Бу сана мен учун жуда қадрли ва кейинги катта қадамларимнинг ибтидоси бўлди. Ниҳоят, кўп уринишлардан сўнг илк шифохонамизни очишга муваффақ бўлдик. Реклама ва эълонлар бердик. Аста-секин шифохонамизга беморлар кела бошлади. Бора-бора шифохона тармоғини кенгайтириш, шифокорларни эса турли миллат вакиллари кўп яшайдиган ҳудудларга қараб, айнан шу миллат вакилларидан танлаб олиш учун ҳаракатлар бошладик, тармоқ кенгай борди. Биз мутахассисларга ҳам янгилик қилишга, дунёқарабини шакллантиради. Она

Буни қарангки, Ўзбекистонга келганимда фонд вакиллари мени Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятидаги сайловчилар билан ўтказилган сайловди учрашувига тақлиф этди. Учрашувга АҚШ, Франция, Португалия, Россиядан ҳам ватандошлар келган эди. Улар билан танишим, дўстлашдим, Президентимизга ўз фикрларимизни, тақлифларимизни очиб, самимий сўхбатда айта олдик.

"Холис ният ҳаммаша рўёбини топади", дейишди. Бу — рост гап! Неча йиллардан сўён Президентимиз билан кўришишни, сўхбатлашишни, режаларим ҳақида гапириб беришни ва энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан бу тақлифларнинг қўллаб-қувватлашини орзу қилардим. Президентимизга Ўзбекистон тиббиётининг янада ривожига ўз хиссамни қўшишга ваъда бердим.

Кўп ўтмай, сентябрь ойида давлатимиз раҳбари билан АҚШдаги ватандошлар билан учрашувда яна кўришишга мушарраф бўлдим. Жуда узоқ, самимий, расмиётчиликдан холи сўхбат сифатида хотирамда қолди. Ҳамма ўз гоғларини бирма-бир айтиди. Бу кўнлар ҳаёт зарварларимнинг олтин саҳифалари бўлди, десам муболага бўлмайдик. Уша пайтда АҚШдаги халқаро тадбирда иштирок этиш учун келган Президентимизнинг ватандошлар билан учрашувга вақт ажратгани, алоҳида эътибор қаратгани эътирофга лойиқ. Бундан ким ҳам руҳланмайди дейсиз?! Бундай меҳрдан кейин Ватанга нафим тегиши керак, деган фикрни нега ўйламадик керак?! Ер юзига тарикдек сочилган минглаб ватандошнинг йўқлигини давлат қўллаб-қувватловини юрак-юракдан хис қилдик.

Холис ният ҳаммаша рўёбини топади

Канадада ватандошларимиз кўп. Аммо уларни бирлаштирадиган ягона уюшма бўлмаган. Ватандошларни бир жойга жамлаш мақсадига 2021 йилда Канададаги Ватандошлар уюшмасига асос солдик. Уюшмамиз аъзолари билан миллий байрамларимизни бирга нишонлаймиз. Айниқса, Мустақиллик байрамимиз ўзгача ўтади. Канада маданият вазирлиги биносининг олдида юртимиз байроғи ҳурмат билан юқорига кўтарилади. Бизнинг байрамларимизда маҳаллий ҳукумат вакиллари ҳам бажонидил иштирок этади, миллий таомларимизни севиб тановул қилади. Кейинги байрамларга ҳам тақлиф этишимизни сўрашди.

Юртимизда бўлаётган янгиланишлардан яхши хабардорман. Президентимиз ташаббус билан "Ватандошлар" жамоат фонди ташкил этилганини эшитганим. Унинг фаолиятини ижтимоий тармоқларда кузатиб борардим. Фонд билан ҳамкорликни йўлга қўйиб олдик.

Ўзбекистоннинг кўндан-кўн ривожланиб бораётгани ҳақида кўп эшитаман. Халқимиз фаровон ҳаётда яшаётганини эшитиб хурсанд бўламан. Ўзбекистонни кўсайман, соғинаман, тез-тез келишга ҳаракат қиламан. Яқинда бориб, қадрдонлар билан дилдан сўхбатлашдик. Халқаро даражадаги шифокорлар тайёрлашимиз кераклиги ҳақида фикрлар алмашдик. Келажакда Ўзбекистонлик талабаларнинг Канадада амалиёт ўтатиш учун шароит яратиш, халқаро тажриба тўплашига кўмаклашим зарурлиги ҳақида гаплашдик. Бунинг учун улар тил ўрганиши жуда муҳим.

Агар бу борада барчамиз бирга ишласак, Ўзбекистон тиббиёт соҳасида дунёга танилади. Биздан ҳам халқаро экспертлар етишиб чиқади.

"Ватандошлар" жамоат фонди Ахборот хизмати раҳбари Уфора ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди.

ЯШИЛ САЙЁРА

ИЗЛАРИНГИ ИЗЛАЙМАН, АЛҚОР!

Умр оқар сув янглиг ўтаверар экан. Ортга боқсам, саксондан ҳам ошиб кетибман. Хоҳлаймизми-йўқми, ўтган умримизни сарҳисоб қилишга мажбуримиз. Разм солсам, кўллаб касбдошларимиз, сафдошларимиз, тенгдошларимиз ҳам ҳаёт йўлларининг энг гўзал, ибратомуз томонларини гапириб, кўз-кўз қилиш, ёзишни маъқул кўради. Бир томондан, бу тўғридир. Чунки одамлар, айниқса, ёшлар шундай нури йўллардан ибрат олишлари керак, назаримда. Менга эса ортда қолган манзилларимнинг оғир таассуротли, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйилган томонларини ёрқин воқеалар орқали кўрсатиб ўтиш маъқул кўринди. Зеро, кўп мақтангандан кўра бор ҳақиқатни тўлалигича баён айлаш ҳам чуқур ва кўпроқ таъсир эта олиши, аниқ ва тегишли хулоса чиқаришга бошлаши бир ҳақиқат бўлса керак.



Сопқонни синдириб, сойга улоқтирдим

Табиатдаги шундай гўзалликларга қирон келтирган панжаларимни... Ҳа, бир воқеадан кейин... Бозорга бориш ва қайтиш йўлидаги Яқатутда оғ қилаётган эдим. Шохлар орасидаги митти чумчуқ боласи мени кўриб, бир бағр ортига яширинган бўлди. Сопқон(рогатка) га думалоқ тошчани жойлаб, зарб билан урсам, чумчуқанинг боши бир томонга, танаси иккинчи томонга туша бўлди! Шевингана бориб, ўлжамга қўл чўзимди. Шу дам кимдир елкамдан тугди. Бош кўтариб қарасам, бошлангич синфларни

ўқитадиган домлапиз Нусратилпа ака экан.

— Анави шўрликнинг аҳволига қара! — деди ўқитувчимиз қушчанин жон бераётган бошига ишора қилиб. — Шу тирик жониям Аллоҳ яратган-ку, оламда яшашга ҳаққи бор эди-ку!..

Мен лол эдим, жиноят устиди қўлга тушган айбдор ҳолатига тушгандим.

— Бошқа қайтармайман, ишонинг менга, — дедим сопқонни синдириб, сойга улоқтирдир эканман.

— Ишондим сенга, — деди домлап ўз йўлида давом этар экан.

Йиллар ўтиб, табиат ва жониворлар муҳофазаси асосий мавзуларимдан бўлиб қолди. Ёввойи жониворлар муҳофазаси бир тараф бўлса, ёввойи қўйлар, яъни алқорлар ҳимояси яна бир тараф. Чунки энг гўзал жониворлардан бўлмиш алқорлар йил сайин камаймоқда эди.

Ўзимиз билмаган ҳолда алқор гўштини емиз

Қишлоғимиз Оқтош тоғларининг этагида жойлашгани учун Чимён чўққиларига тенгдош Қорақоя кенгликлари

шундоққина кўзга ташланиб турарди. Бир гал қор эртарақ тушган кезлар эди. Маҳаллий овчиларнинг: "Алқорлар пайдо бўлибди-я", деган гаплари қўлоққа чалиниб қолди. Бу хабар тезда ўткир кўзи гоғратчиларнинг қўлоқларига етиб, ёввойи қўйларнинг ўзи туғул, излари ҳам қурипти юборилди. Кейин-чалик ҳам браконьер, яъни табиат гоғратчиларини бу йўлдан қайтаришнинг иложи бўлмади. Қарабсизки, Қорақоя қирлари яна ўлим маконга айланди. Суриштириб кўрдик: "Ватанимизда алқорлар сақланиб қолган макон бормикан ўзи?!" Излай-излай хушхабар эшитдим: Нурота тоғларида алқорлар муҳофазатга олинибди. Худого шукр, ҳақиқат бор экан, чорасини топса алқор экан-ку! Вақтни ғанимат билиб, алқорлар билан учрашиш ва уларга омонлик тилаш мақсадига Жиззах ва Навоий вилоятлари сари йўлга чикдим. Вилоятларнинг раҳбарлари кўрсатмаларига асосан табиат ҳимоячилари бизга ҳамроҳ бўлди. Афсуски, кун бўйи алқор у ёқда турсин, ноёб бу жониворларнинг излари ҳам топа олмадик.

— Эртага йўлиқтириб, суратга ҳам оламиз, — деди ҳамроҳлар, — бугун тоғ этагида яшовчи табиат ҳимоячиси хонадониди ҳордиқ чиқарасиз. Эрта ташвақ учрашиб, яна алқорлар изига бурламиз...

Табиат ҳимоячиси кекса овчилардан бири экан. Тун ярмигача хангомалашиб, қайнатма шўрвани зўр иштаҳа билан ичдик. Мириқиб дам олгач, азонда қари овчи бизларни уйғотиб, набарисига тайинлади:

— Мехмонларга, албатта, алқорларни кўрсат, қайтишда энг қари бир қўчқорини отиб, ола келинлар!

— Бу қанақаси?! — дедим мен ичимдан зил кетиб. — Ахир биз алқорларни ҳимоя қилиш мақсадига келган бўлсак...

— Ёввойи қўйларнинг ҳам, эчкиларнинг ҳам эркакларини отиб, тартибга солиб турилмаса, подага зарари тегади, — деди қария рад этиб бўлмас ишонч билан. — Кеңқурунги қайнатма ичидида катта сўнгалар ниманики эканини билмадингизми? — Билмадим... — Алқорники эди, азизим!

Шу дамда менинг қай аҳволга тушганимни энди ўзингиз тасаввур этиб кўринг...

Ҳамон тирик алқорларни излайман. Учратсам, изларини кўзларимга суртар эдим...

Асад АСИЛ, ёзувчи



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмиёлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1046.
43312 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
"ШАРҚ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиб: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй